

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2026 йил февраль ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди, Роҳат МФЙ биносидан, очиқ сайёр суд мажлисида, судья С.Абдуганиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ҳ.Аҳтамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Абдуллаев, судланувчи О.Бегижанов ва унинг ҳимоячиси М.Шароповнинг иштирокида, О.Бегижановга нисбатан 1-1010-2603/114-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

1979 йил 05 августда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган,

яшовчи, иш бўйича 2025 йил 22 декабрь куни сиртдан “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Бектемир туман ИИО ФМБ ходимлари томонидан 2025 йил 16 октябрь куни тахминан соат 12:40 да, Тошкент шаҳар, Бектемир туманида жойлашган “Бектемир” ЙПХ масканида давлат рақами белгили “Матиз” русумли автомашина тўхтатилиб, автомашина ва унда бўлган шахсларнинг ёнидаги буюмлар холислар иштирокида кўздан кечирилганда, бошқарувидаги “Матиз” русумли автомашинада йўловчи сифатида келаётган эгнидаги шимининг ўнг чўнтагида “Парламент” сигарет қутисини ичида 0,9708 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзининг истеъмоли учун сақлаб келганлиги аниқланиб, ушбу модда ундан баённома асосида олиб қўйилган.

Судланувчи О.Бегижанов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2025 йил 14 октябрь куни Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳудудидан уйга қайтаётган вақтида тупроқ ва қум аралашган ўтлар орасидан “парламент” сигарет қутиси ичидан жигар рангли, ўткир хидли, мумсимон модда “гашиш” гиёҳвандлик моддасини топиб олганлигини, 2025 йил 16 октябрь куни тахминан соат 12:40 да Бектемир



туманидаги “Бектемир” ЙПХ масканидан у йўловчи сифатида келаётган [REDACTED] давлат рақами белгили “Матиз” русумли автомашинада ўтиб кетаётган вақтида шу ерда хизматни олиб бораётган ИИО ходимлар тўхтатганликларини, холислар иштирокида машина салони ҳамда унда бўлган шахсларнинг ёнидаги буюмлари кўздан кечирилганда эгнида бўлган кўк рангли жинси шимининг ўнг чўнтагидаги “Парламент” сигарет қутисини ичидан “гашиш” гиёҳвандлик воситаси топилганлигини у ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун сақлаб келганлигини, бирор-бир шахсга ўтказмаганлигини ва бундай мақсади бўлмаганлигини, машинада бўлган ўртоқларини ушбу моддадан хабарлари бўлмаганлигини айтиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячининг фикрини, судланувчи О.Бегижановнинг кўрсатувини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, О.Бегижановнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига иқдор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари, тарафларнинг розилиги билан дастлабки терговдаги кўрсатувлар ўқиб эшиттирилган гувоҳ З.Ғоибназаров ва Ш.Хайруллаевларнинг кўрсатувлари, нарсани олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомалари, судга оид кимёвий ва наркология экспертизаси хулосалари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчи О.Бегижановнинг ҳаракатларининг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга ҳилоф равишда сақлашда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, О.Бегижанов гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда ташиганлигини тасдиқловчи объектив далиллар жиноят иши ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ва ушбу ҳолат судда ҳам ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли унинг айбловидан ушбу квалификация белгисини ортиқча эълон қилинганлиги муносабати билан чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорида судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги, булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасига биноан



жазо тайинлашда, суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиш лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши- ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши кўрсатилган.

Суд, юқорида қайд этилган Пленум қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, судланувчи О.Бегижановга нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инobatга олиб, унинг айбига иқрорлигини, қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин деган хулосага келиб, унга у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд Тошкент шаҳар наркология диспансерининг [REDACTED] ига асосан О.Бегижанов гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эканлигини, бироқ соғлиги туфайли (гипертония ва юрак ишемик касаллиги) тавсия этилмаслигини инobatга олган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида гиёҳвандликдан мажбурий тарзда даволаш чоралари қўллашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, ЖПКнинг 211-моддасига асосан иш бўйича ашёвий далиллар тақдирини ҳал қилиб, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТТБ Махсус гуруҳида сақланаётган 0,9408 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топади.

Суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларини қўллаб,

ҲУКМ ҚИЛАДИ:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида 8.240.000 (саккиз миллион икки юз қирқ минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи О.Бегижановга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ МТТБ Махсус гуруҳида сақланаётган 0,9408 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса шу суднинг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

/имзо/

С.Абдуганиев

Аслига тўғри: _____

